

ЎЗБЕКИСТАН РЕСПУБЛИКАСЫ ЖОҚАРЫ ҲӘМ ОРТА АРНАЎЛЫ
БИЛИМ БЕРИЎ МИНИСТРЛИГИ

БЕРДАҚ АТЫНДАҒЫ
ҚАРАҚАЛПАҚ МӘМЛЕКЕТЛИК УНИВЕРСИТЕТИ

ҚАРАҚАЛПАҚ ФИЛОЛОГИЯСЫ ФАКУЛЬТЕТИ

Журналистика бакалавр тәлим бағдары
2-курс студенти Нуриева Наргизаның
«Журналистика тарийхы» пәнинен

РЕФЕРАТ *жумысы*

Тема: **Шығыс публицистикасы**

Орынлаған:
Қабыллаған:

Нуриева Н.
т.и.к., доц. Бекбаўлиев Д.

Нөкис-2015

МАЗМУНЫ

Кирисиў

§1. Азия журналистикасының раўажланыў принципери

§2. Шығыс публицистикасында Қытай журналистикасының орны

§3. Шығыс публицистикасында Япония журналистикасының тутқан орны

Жуўмақлаў

Пайдаланылған әдебиятлар

КИРИСИЎ

Соңғы ўақытлары ғалаба хабар қуралларының бири есапланған радионың жәмийеттеги орны күн сайын артып бармақта. Өзбекстан республикасы Президенти Ислам Каримов журналистлердин бас ўазыйпаларын анық хәм туўры көрсетип берген еди: «...Өмирде болып атырған көп қырлы жәмийетлик қубылыслардан хәр тәреплеме хабардар болыў, оқыўшылар хәм кең жәмийетшиликти қызықтыратуғын бүгинги күн ушын әҳмийетли хәм үстин мәселелердин негизине жетип барыўға ылайық болыўы керек»¹.

Жергиликли ғалаба хабар қураллары республика халқына мәмлекет хәм халықаралық майдандағы жаңалықларды үзликсиз жеткерип турады. Жаңалықларды сезиў мәселесине келгенде, булардың қурамында обарзлы, психологиялық, сиясий, экономикалық, мәдений хәм басқада тәсирлер бар. Бизин изертлеў объектимиз болған журналистика мәселеси де республикамыз ғалаба хабар қуралларының бас темасына айланып бармақта. Себеби, журналистика Еркин болыўы лазым. Әсиресе, жүз берип атырған ўақия-хәдийселерди тез хәм сапалы халыққа жеткерип бериў ғалаба хабар қуралларының орны айрықша болып табылады. Өзбекистан Республикасы Олий Мажлис палаталарының 2005-жыл, 28-январь күни болып өткен қоспа мәжилисинде Президентимиз мәмлекетимизде алып барылып атырған реформалардың барысын жәнede раўажландырыў хәм тереңлестириў менен бирге гезектеги әҳмийетли мәселелердин бири сыпатында «Өзбекстанда демократиялық жаңаланыўлар процесслерин тереңлестириў хәм пуқаралардың еркинлигин тәминлеўдин жүдә әҳмийетли шәртлериниң бири-бул ғалаба хабар қуралларын раўажландырыў ушын демократиялық дәстүрлерди енгизиў бойынша

¹ И.А.Каримов. Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига байрам табриги // “Халқ сўзи”, 2005 йил 28 июнь.

анық хәм избе-из шараларды әмелге асырыў демек»². Солай екен бизиң республикамызда да ғалаба хабар қуралларын жаңа басқышқа көтериў, заманағой принциплерди енгизиў бойынша бираз жумыслар алып барылмақта. Соның менен бирге Президентимиз И.Каримов өзиниң соңғы “Юксак маънавият енгилмас куч” мийнетинде ғалаба хабар қуралларының жәмийетте ийелеген орнынан айрықша тоқтап өткен еди: “Хәзирги күни мәмлекетимиздеги тийкарғы теле-радиоканаллар халықтың халыс хәм ҳақыйқый информацияға ийе болыў ҳуқықын тәминлеў, жерлеслеримиздиң мәдений дәрежеси, билим хәм дүньяға көз-қарасын арттырыў, ески дәстүрлеримиз, тарийхый мийрасларымызды сақлаў хәм раўажландырыў хәм соның менен бирге пуқараларымыздың санасында демократиялық кадириятлар, гражданлык позициясын қәлиплестириў, жас әўладты ўатанды сүйиў хәм улыўмаинсаний қәдирятларды хұрмет етиў руўхында тәрбиялаў жолында мүнәсип хызмет етип атырғанлығын атап өтиўимиз керек”³.

Демек, усылардан келип шығып биз өз алдымызға усы реферат жумысымызда шығыс журналистикасы соның ишинде оның публицистикасын үйренип шығыўды алдымызға мақсет етип қойғанбыз. Себеби шығыс халықлары әзелден жәмийеттиң барлық салалары бойынша хәр тәрәплеме раўажланған еллер болып есапланады.

² Каримов И. А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Т.: Ўзбекистон, 2005. – Б. 51.

³ Каримов И.А. Юксак маънавит енгилмас куч. Т.: Маънавият. 2008. Б. 135.

§1. АЗИЯ ЖУРНАЛИСТИКАСЫНЫҢ РАЎАЖЛАНЫЎ ПРИНЦИПЛЕРИ

Бугунги кунда Осиё мамлакатлари журналистикаси жуда тезликда ривожланиб бормоқда у бошқа мамлакатлар тараққиёти жиҳатидан ўзига хос хусусиятларга эга: Ҳозирги кунда Осиё мамлакатлари журналистикасининг қуйидагича тасниф қилиш мумкин, Тамоийиллар:

1. Телевидение радио, станцияларни энг сўнгги техникага эга бўлганлиги газета ва журналлар давлат ва нодавлат шакллари кўп хиллиги уларнинг аудиторияси кенгайиб бораётганлиги.

2. интернет ва аудиовизуал коммуникация турларининг шаклланиб бориши улар ўртасидаги рақобатлар кучайиб бораётганлиги.

3. ОАВларнинг глобаллашуви ва концепциялашуви кучайиб бораётганлиги билан бирлашиб бориши ва ҳар ҳар бир давлатни миллий менталитетнинг келиб чиқаётганлиги.

Осиё мамлакатлари ўзининг ички давлатлари журналистикаси ривожланишида ОАВларнинг бир хил шароитда иш олиб бориши ва бир-бирларини ўрганишини кўрамиз.

Дунёдаги журналистлар фаолиятидаги зарурий ҳуқуқлар сўз ва матбуот эркинлиги қонунан ва амалий таминлаш борасидаги муаммоларни давлат томонидан ижро этилаётган қонунлар асосида тадқиқ этилади. Улар қуйидагилар:

1. Журналистика 4 ҳокимият мақомини олиши.
2. Сўз эркинлиги, матбуот эркинлиги ва ахборот олиш эркинлиги конституция қонунлари билан қафолатланади.
3. ОАВ лар суд процессларини ёритилиши муаммолари осие мамлакатлари ОАВни хусусийлаштириш қонун билан белгиланганлиги.
4. Матбуотнинг глобаллашуви муаммолари
5. ОАВнинг давлат рўйхатидан ўтказиш масалалари.
6. Осиё мамлакатлари ОАВ экспорт ва импорти.
7. Журналистикани давлат аралашувининг сақланиш муаммоси.

Осиё мамлакатлари журналистикаси тараққиётининг миллий ўзига хослиги яққол кўзга ташланаётган интеграциалашуви жараёнларидан ташқари бир томондан мамлакат миллий ўзлигини юзага чиқиши иккинчи томондан эса ОАВлар соҳасидаги глобаллашув тамойилларига қарши таъсир натижасининг миллий хусусиятларини сақлаб қолишга бўлган интилиш кучайиб бормоқда.

Осиё мамлакатлари журналистикаси бугунги кунда илмий кашфиётлар устида ишлаб катта техниканинг имкониятилари универсал технологиялар ахборот тарқатишнинг глобаллашуви яъни ахборотни бутун дунёни камраб олиши жараёнлари шиддат билан ўсиб бораётган бир даврда интернет

тизими оркали ахборот алмашинуви, ғоявий таъсир ўтказиш имкониятлари ҳам кенгайиб бормоқда.

XXI асрни ахборот тарғибот асри десак асло муболаға бўлмайди. Зеро бу даврда илғаб бўлмас даражада кудратли тарғибот кучлари демократик ривожланишни издан чиқарадиган халқлар ва миллатлар ўртасидаги таҳдидни кучайтириш имкониятига эга бўлган технологиялар кириб келмоқда. Ҳозирги кунда осий мамлакатларида энг хавфли кучлардан бири ҳисобланади.

Осий мамлакатларида журналистиканинг ривожланиши ўзгача тарзда кечди. Европа матбуотининг тараққиёти у ердаги ишбилармонлик муҳитига боғлиқ ҳолда давом этган бўлса, Осий ва Ўарқ мамлакатларида бу жараён Ғарбнинг аралашуви ва мустамлакачилик сиёсати сабабли анча орқага сурилди. Сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий аҳволнинг оғирлиги, яъни мазкур давлатларда халқнинг мустабид тузум шароитида турмуш кечириши, аҳолининг саводсизлиги ва бошқа қийинчиликлар даврий матбуот ривожига салбий таъсир ўтказмай қолмади.

XIX асрнинг биринчи ярмида Осий ва Шарқ мамлакатларида матбуот мустамлакачилик кайфиятида эди. Газета ва журналлар асосан мустамлакачилар ҳамда ҳокимият органлари учун мўлжалланиб, метрополистлар тилида нашр этиларди. Шри Ланканинг “Ғавернмент газетт” (1802), Ҳиндистоннинг “Бенгал газетт” (1816), Сингапурнинг “Сингапур кроникл” (1824), ирманинг “Моулмейн кроникл” (1836) сингари инглиз нашрларида, Туркиянинг “Монитор оттоман” (1831), Жазоирнинг “Монитор альжеръен” (1832) каби француз тилидаги нашрларида фақатгина мустамлакачи маъмуриятнинг қарори ва фармойишлари чоп этиларди. Ушбу газеталар аслида мустамлакачилик сиёсатини қўллаб-қувватловчи восита вазифасини ўрнатди.

Газета ва журналларни нашр этишда метрополист раҳбарлари ҳам фаол иштирок этишди. Филипинда 1811 йилда нашрдан чиққан “Дель супериор говиерно” газетаси испан мустамлакасининг губернатори томонидан ташкил этилди. Цейлонда 1832 йили чиқа бошлаган “Коломбо джорнал” газетасида эса фақат Колумбияда туриб оролни бошқарган губернатор мақолалари чоп қилинди. Шунини айтиш керакки, ўша пайтдаги газеталарда метрополист раҳбарларининг манфаатларигина

Менталитет- (лотинча-mens? Mentis-ақл демакдир)- ижтимоий-психологик қарашлар, тасаввурлар дунёни англаш ва кишилар онгини шакллантирувчи анъанавий идрок этиш усули бўлиб маълум ижтимоий-маданий жамиятга хос бўлади.

Миллийлик эса маълум этник қатламга мансублик билан бир қаторда фикр юритиш ҳамда умумий маънавий қадрият муштарақлигидир.

Менталитет ўзгарувчан бўлиб, ундаги шаклланишлар ва янгиликлар жуда секин юз берадиган жараёндир. Ижтимоий психолог Ю.Митке менталитетда ўзаро боғлиқ бўлган психологик реакциялар тасаввурлар ва аввалги авлодларга хос бўлган хусусиятларга эга жихатлар гуруҳларнинг ўз-ўзини

англаши каби омилларни идроки ва жамоавий онгнинг синтезланувчи сифатида кўради. Тарихчилар эса менталитетни дунёни англаш ҳис-туйғулар ва маълум эпохада одамларга хос ҳаёл суриш тарзининг умумлашмаси деб ҳисоблайдилар.

Социололингвистлар маданий субъектларнинг онгли муносабатларини белгилаб берувчи семантик матрицани менталитет деб ҳисоблайдилар.

Менталитет тушунчаси тахлилий фикрлар, идрок этиш шакллариининг ривожланиши кабиларни ярим англаб етилган маданий меъёрлар билан бирлаштириш имконини беради.

Менталитет бир бирига қарама-қарши бўлган табиий ва маданий эмоционал ва ҳақли рационал ва нораціонал индивидуал ва умумбашарий тарафларни бир бирига боғлаб туради. Шу билан бирга менталитет архоик структуралар ва мифологик асосларга эга бўлган узок ўтмишнинг анализ қилишда муҳим рол ўйнайди. Бугунги замонавий менталитет тушунчиси нисбатан кенгрок маънога эга бўлиб фақат маълум йирик ижтимоий гуруҳлар ва умумбашарий маънавий меъёрларга хос бўлган маданий стереотиплар билан чекланмай фикрлаш тарзи ва баёни маънавият асосларига эга бўлган кишиларнинг кичик гуруҳларини ҳам қамраб олади.

Ижтимоий фанлар вакиллариининг аксарияти менталитет ва миллийлик тушунчаларини синоним тарзда қўллаш тарафдоридир. Бироқ уларнинг тўлиқ синоним тарзда ёки алоҳида эътироф этилганлиги кузатилган эмас.

Менталитет ва миллийлик тушунчалари ўртасига тенглик ишоратини қўйилишини истамайдиган баъзи бир олимлар менталитет нисбатан кенгрок умуминсоний аҳамият касб этади деб ҳисоблайдилар.

Ўзликни жамоада англаш тамойили эса кишиларнинг оилада, маҳалла-қўйда, ишхонада, жамоат ишларида қандай баҳоланиши билан ўлчанади. Масалан, тўйларимиз ёхуд маъракаларимиз обрўсини атрофдагиларнинг тадбиримизга қандай муносабатда бўлиши яъни, кимлар қатнашиши, қанча одам келишига кўра баҳолашга ўрганамиз. Бу жиҳат юз йиллар мобайнида турмуш тарзимизда теран илдиз отиб бўлган. Аммо бугун Дуне ва жамиятимизда вазият тамоман ўзгача манзара касб этиб улгурди. Биз бу ҳолатда яъни, ўзгарган дунёни ҳам тўла англаб етмаётганимизни ҳам тан олишимиз керак.

Бирчидан, дунёнинг ҳаёт мароми, умр сурати тезлашиб жўшқин мазмун касб эта бошлади.

Иккинчидан, бозор талаблари ҳамма нарсага сергаклик билан ёндошиш ҳисоб-китобни қатъий олиб бориш заруратини кун тартибига чиқарди..

Учинчидан, Дуне жараёнлари билан доимий ҳисоблашиш атроф мамлакатларда юз бераётган жамики воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик туйғусини кучайтириш заруратини муҳим талаблар даражасига чиқазди.

Тўртинчидан, ҳар бир сиёсий гуруҳ, жамоа ёхуд шахс Дуне жараёнларига бевосита таъсир кўрсатиш имкониятлари беҳад ўсди. Бундай шароитда одамларнинг тор биқик муҳитда яшаш ва фаолият кўрсатишлари, фақат анъаналари доирасида турмуш кечиришлари мумкин бўлмай қолди.

Дунё ўзгаришларининг муқаррар мантиғи жамият ва фуқороларга ҳам ўз турмуш тарзларини мутаносиб ўзгартиришларни қатъий талаб қила бошлади. Истиқлолимизнинг дастлабки палласидаёқ анна шу катта ижтимоий эҳтиёжни ўз вақтида донишмандлик билан англаган Юртбошимиз жамият ҳаётини ислоҳ этиш, анъана ва маросимларимизни дунё ўзгаришлари мантиғига биноан мувофиқлаштириш ташаббуси билан чиқди. Тўй ва маросимларни тартибга тушириш, ортиқча исрофгарчилик ва дабдабазлик билан ўтказмаслик тўғрисидаги президент фармонлари эълон қилинди. Жойларда бу фармон мамнуният билан қабул қилинди. Кўпгина ҳудудларда фармоннинг кучи ва воситасида тўй ва маракалар ихчамлаштирилди.

§2. ШЫҒЫС ПУБЛИЦИСТИКАСЫНДА ҚЫТАЙ ЖУРНАЛИСТИКАСЫНЫҢ ОРНЫ

Матбуоти: 1949 йилнинг октябрида ХХРнинг ташкил этилиши янги типдаги Хитой журналистикаси ҳамда ОАВ тизимининг бир бутун ҳолича Қайтадан шаклланишига замин ҳозирлади. ОАВ соҳасидаги ижтимоий-сиёсий шаклланиш биринчи навбатда «давлат манфаатларини шахсий манфаатларга мувофиқлаштириш» сиёсатининг юзага келишига ҳамда бу провардида давлат ва хусусий матбуот нашрлари, радио ва телеканалларнинг ташкил этилишига замин ҳозирлади.

Хитой матбуоти ХХ асрнинг биринчи ярмида оғир иқтисодий ривожланганлигини кузатиш мумкин. Аҳолисининг кўплиги жиҳатидан дунёда биринчи ўринда турадиган Хитойда коммунистик партия ҳукмрон эканлиги маълум. Шу боис мамлакатда чоп этиладиган нашрларнинг аксарияти ўша мафкурага хизмат қилишини тасаввур этиш қийин эмас. Нима бўлганида ҳам, ўзига хос тараккиёт йўлини танлаган Хитой матбуотининг халқаро журналистика майдонида салмоқли ўрни бор.

Ўтган асрнинг биринчи ярмида мамлакат халқи оғир иқтисодий, сиёсий кунларни бошидан кечирди. Бу ҳол бошқа соҳалар катори, матбуот равнақида ҳам ўз оқибатини кўрсатди. Бироқ тараккийпарвар халқ ҳар қандай шароитда юксалиш сари йўл топади. Бу ҳолни айнан Хитой матбуоти мисолида ҳам кузатиш мумкин.

Матбуотнинг етакчи нашрларидан бири «Renmin ribao» (женмин жибао) газетасига 1946 йил 15 майда Ханьдан шахрида асос солинган. 1948 йил июнидан бошлаб газетани Шицзянчжуане шаҳар босмахонасида янги коллеграфик ҳарфларда нашр этиш йўлга қўйилди. 1949 й. 2 февралда газета таҳририяти мамлакат пойтахти Пекинга кўчирилди. Дастлаб тўрт, олти саҳифада чиққан газетанинг адади 90 минг нусхада чиқарилган. 1955 йилда саккиз саҳифали газета адади 700 минг нусхадан ошди. “Женмин жибао” газетасининг адади 80 йилларга келиб 5 миллион нусхадан ошгани, 1982 йилдан бошлаб инглиз тилидаги нашри Сан-Францискода 300 минг нусхада чоп этилиб, 122 та мамлакатга тарқатила бошлагани маълум.

Бу даврдаги Хитой газеталари: Америкалик мутахассислар фикрича мавқеи жиҳатидан АҚШнинг “Нью Йорк таймс”, “Вашингтон пост”, Англиянинг “Таймс”, Германиянинг “Вельт”, Франциянинг “Монд” газеталари билан тенглашган эди. Шуни ҳам назардан четда қолдирмаслик керакки, мазмун моҳиятига кўра газетанинг хитой тилидаги нашри билан билан инглиз тилида дунёга тарқатиладиган нашри ўртасида анчагина тафовутлар бўлади.

1945-50 йилларида ташкил этилган зиёлиларнинг (Сюзси) тарғиботчиларининг “Шиши шоуцэ”, халқаро сиёсий мавзуларни ёритишга мўлжалланган “Шице чжиши” умумхитой хотин-қизлар демократик

федерациясининг “Синь-Чжунго Фунюй” журналлари ҳам анча оммалашиб кетди.

Хитой матбуотини ва муҳим ахборотлар билан таъминлашда «Синьхуа» ахборот агентлиги алоҳида ўринга эга. 1949 йилларда бу агентликда 810 ходим фаолият кўрсатган бўлса, 1952 йилда улар сони 2 мингдан ошди. 1950 йиллардан эътиборан марказлашган давлат ахборот агентлигига айлантирилган. “Синьхуа” нинг 28 та мухбирлар пункти бор эди. Унинг Нью-Дели, Прага, Москва, Берлин ва б. Шаҳарларда ваколатхоналари фаолият кўрсатарди.

Модомики халқаро сиёсий майдонда Хитой матбуоти ҳам салмоқли ўрин тутар экан, унинг тараққиёт босқичларини ўрганиш фойдадан ҳоли бўлмайди.

Ҳозирги даврда Хитойда энг Машхур ва оммабоп кундалик газеталари сирасига Қуйидагиларни киритиш мумкин.

«Женмин жибао» («Халқ газетаси»)- 1946 йил 15 майда Хэбэй провинциясининг Хандан шаҳрида ХКП Марказий Қўмитасининг нашри сифатида чиқарилади. Қозирги вақтда бир-биридан фарқланувчи иккита кундалик нашрига эга ушбу газета Хитойдаги Шицзянчжундан ташқари Сан Францискода ҳам чоп этилади ва дунёнинг 122 мамлакатига тарқатилади. Унинг бир нусхаси хитойликлар учун мўлжалланган бўлса (тахм 5 млн. нусхаси), 300 минг нусхаси хорижий аудиторияга мўлжаллаб чиқарилади.

“Вэнхуэй бао” (Маданият газетаси). 1938 йилнинг январиди Шанхайда асос солинган. Умумиллий газета бўлиб, адади 1 млн. 300 мингдан ортиқ. умумий ададининг тўртдан уч қисми Хитойнинг бошқа шаҳарлари ва шунингдек хорижга ҳам тарқатилади. Газета АҚШ, Канада, Япония, Таиланд, Мексика ва бошқа баъзи мамлакатларда ҳам ўз мухбирларига эга. У ўз иловалари сони бўйича Хитойда биринчи ўринни эгаллайди. Ҳозирда 13 – 14та атрофида иловалари нашрдан чиқади.

Юқоридагилардан ташқари ҳозирда Хитойдаги энг машхур газеталар Қаторига “Гуангмин жибао” (Хитой демократик лигасининг марказий Қўмитасининг нашри бўлиб адади 1,5 млндан ортиқ), “Гунжэнь жибао” (Ишчилар газетаси) (умумхитой касаба уюшмалари федерацияси ижроия Қўмитасининг нашри, адади 1,8 млн. нуска), “Чжунго цинян бао” (“Хитой ёшлари газетаси”) (Пекинда ҳафтасига 3 марта 3,1 млн. нусхада чиқарилади) кабиларни ҳам киритиш мумкин.

Журналлари: Ҳозирги вақтда Хитойда 305 хил турли-туман журналлар нашр этилади ва улардан 106 таси умудавлат нашрлари ҳисобланади. Нисбатан йирик ва эътиборли журналларга ёшларга мўлжаллаб бир ойда бир марта чиқариладиган «Чжунго цинян» (“Хитой ёшлари”), умумхитой адабиёти ва санъат ишчи ходимлари ассоциациясининг “Жэнмин венхуэ” (Халқ маданияти) номли Пекинда 1 млндан ортиқ нусхада чиқариладиган адабий бадиий журнал, умумхитой аёллар демократик федерациясининг «Синь Чжунго фунюй» (“Янги Хитой аёллари”) ва

бошқаларни мисол қилиш мумкин. Кейинги 5-6 йилларда газета нусхадари 21%,

Журналлар эса 28% га ошди. Бу эса халқнинг янгиликларга бўлган эҳтиёжларининг ошиб боришидан далолат беради.

Китоб нашрётлари. Хитойда тезлик билан китоб чиқарилиши ўсиб борди. 1950 йилларда 120млн нусха чоп этилган бўлса у 1956 йилга келиб 906 млн 880 минг турдаги китоблар чоп этилди.

Шу йилларда сиёсий адабиётларни чиқариш «Женбин Губаньшэ» нашретида 48 номдаги умумий китоблар сони 3 млн 600 минг нусхани ташкил этди. Сиёсий ҳафталик «Шиши шоуце» 2 млн нусхада чоп этилди.

1982 йилларда ХХР да 63 та давлат босмахоналари ва бошқа бир қанча давлат ва нодавлат босмахоналари ишлаб турди.

Кейинчалик китоб чоп этиш жараёни анча ривожланди яъни 336045 номда турли китоблар нашр этилди. Уларнинг умумий тиражи 27 млрд нусхани ташкил этди.

2000 йиллардаги маълумотларга қараганда мамлакатда 214 китоб босмахоналари фаолият кўрсатган бўлиб. Шулардан, 11таси марказий 103 та худудий босмахоналар ишлаб турган.

Радио ва телевидение: 2001 йил апрель маълумотларига кўра Хитойда умумий 140 та радио эшиттириш компаниялари фаолият юритар эди. эшиттириш дастурлари турли Хитой диалектлари ва инглиз тилида қам узатилади. Кўпчилик радиостанциялар ахборот, мусиқа, йўл ҳаракати ходисалари, молиявий ва қишлоқ хўжалигига оид янгиликларни бериб боради. Сўнгги вақтларда радиостанциялар дастурларида аҳолини ижтимоий қимоялаш, соқлиқни сақлаш, йўл ҳаракатига риоя қилишни тарқиб этиш марказий ўринга кўтарилмоқда.

Хитой Ахборот тарқатиш корпорацияси - Хитойдаги ахборот тарқатиш саноатининг энг етакчи ОАВси ҳисобланади. Унинг марказий станцияси Тайпейда жойлашган, шунингдек у турли худудларда 9 та маҳаллий станцияларга ҳам эга. Мазкур тармоқлар оммабоп мусиқа, миллий янгиликлар, саноат ва молиявий хизматлар, таълим ва диний дастурларни узатишга ката эътибор қаратишади.

ХХР нинг миллий радиостанцияси – Марказий Ахборот узатиш тизими Хитой Мандарин тили ва ва яна шунингдек, 7 та хитой диалектида турли тармоқларда ўз эшиттиришларини бериб боради.

Хитой Халқаро радиоси Қозирги вақтда 38 та хорижий ҳамда 4 та Хитойда бирмунча катта таъсирга эга диалектларда, яъни умумий 43 тилда эшиттиришлар тайёрлаб эфирга узатади.

Сўнгги йилларда Хитойда жамоатчилик телевизион тизимининг шаклланиши, хусусий кабель телевидениелари фаолиятига Қонунан рухсат этилиши ҳамда рақамли телевидениега нисбатан қизиқишнинг кучайиши мамлакат миқёсида телевидение соҳасида ўзига хос тараққиётга ва янги ахборот технологияларининг кириб келишига замин ясади.

Сўнгги статистик маълумотларга кўра, ҳозирги вақтда Хитойда 100 га яқин кабель тизимлари фаолият кўрсатади. Мазкур тизимлар обуначиларга 70 та канал орқали ойлик миқдори 20 АҚШ долларидан кўп бўлмаган ҳақ эвазига янгиликлар дастурлари, Хитой ва хориж кинофильмлари, мультфильмлар, диний, спорт, мусиқа ва бошқа турли-туман дам олиш дастурлари намоиш этишади. Бугунги Хитойда фаолият кўрсатаётган энг йирик телеканалларга TVBS-N, FTV news, The Power TV (PTV) янгиликлар канали, the Eastern TV каби каналларни мисол қилиш мумкин.

Ахборот агентликлари: ҳозирда ХХРда иккита йирик ахборот агентликлари фаолият кўрсатади. Улар “Синхуа” ва “Чжунго синьвэньшэ” агентликларидир.

“Синхуа” нафақат Хитойда, балки дунёда ҳам энг йирик ахборот халқаро ахборот агентликлари орасида етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. “Синхуа” Ҳозирда Ўрта Шарқда, Осиё-Тинч океани минтақаси, Лотин Америкаси ва Африка ҳудудларида ўз бош бошқармаларига, шунингдек, дунёнинг турли мамлакатларда 93 та бўлимларига эга. Хитойнинг барча ҳудудларида мухбирлар пунктлари мавжуд бўлиб, у мамлакатдаги 150дан ортиқ ОАВни зарурий ахборот билан таъминлайди. 120дан ортиқ мамлакатлардаги 170та обуначиларини эса инглиз, француз, испан ва хитой тилларида кундалик ахборотни етказиб беради.

“Чжунго синьвэньшэ” (“Хитой ахборот хизмати” қисқарган шакли “Чжунсиньшэ”) 1952 йилнинг 14 сентябрда Пекинда ташкил этилган. Ҳозирда Хитой ҳудудидаги 100 дан ортиқ ОАВ га ҳамда хорижда яшаётган хитойликлар учун ахборот тарқатади.

§3. ШЫҒЫС ПУБЛИЦИСТИКАСЫНДА ЯПОНИЯ ЖУРНАЛИСТИКАСЫНЫҢ ТУТҚАН ОРНЫ

Матбуоти: Газеталар: Токио, Осака, Киота ва Нагасаки шарҳларида гарчи кундалик бўлмаса ҳам, мамалакат худудидаги янгиликларни тарқатувчи илк газеталар фаолияти 1868 йилдан бошланган. 1871 йилга келиб, дастлабки кундалик газета “Йокохама Маиничи Шимбун”га асос солинди. Шундан сўнг бошқа газеталар ҳам чиқа бошлади. ҳозирги вақтда чоп этиладиган йирик кундалик газеталарнинг аксарияти тарихи 1870 йилга бориб тақалади.

Японияда бугунги кун газеталари кўп ҳолларда телевизион тармоқлар, маданий ва бизнес ташкилотлари билан ҳамкорлик қиладиган йирик матбуот концернларининг марказий аъзоларидир. 1996 йил октябр маълумотларига кўра Японияда газеталарнинг адади тахминан 53,5 млн ёки ўртача ҳар бир оилага 1,19 газета тўғри келади. Энг йирик умумий газеталари Якшанба кунларидан ташқари, ҳар куни тонгги ва оқшомги нашрлари чоп этиб тарқатилади. ҳозирда чиқариладиган барча газеталардан 88,5 % умумий характердаги, 11,5 % спорт хабарларига ихтисослашган газеталардир. Йирик сиёсий партиялар ҳам ўз кундалик нашрларини чиқаришади. Сотилмай қолиб кетаётган газеталарни “сарик” матбуот, саноат-махсус савдо нашрлари ва дам олишга мўлжалланган янгилик нашрлари ташкил этади.

Бешта энг катта газеталар маҳаллий нашриётларда ҳам кўпайтириб чиқарилади ва ҳисобларга кўра улар умумий ададининг 50% сотувга чиқарилади. Ададининг кўплиги бўйича бу газеталар қуйидагилар: “Йомиури Шимбун”, “Асахи Шинбун”, “Маиничи Шинбун”, “Нихон Кейзай Шимбун”, “Санкей Шимбун”.

1879 йилда Асока шаҳрида нашр юзини кўрган “Asahi shinbun” газетасининг айни вақтдаги адади 9.120.820 ни ташкил этиб, бутун япония нашрлари орасида адади бўйича “Yomiuri shinbun” сўнг 2 ўринда туради. “машҳурлиги бўйича биринчи биринчи ўринни эгаллаган”, “Asahi shinbun” нинг мағлубияти 1923 йилги Токиода содир бўлган катта зилзила билан боғлиқдир. Ушбу зилзиладан сўнг бир қатор газеталар бир кечада бўшлиққа айланди.

Айни шу куни “Asahi” бутун япония бўйлаб нашрларни тарқатишга муяссар бўлади.

“Asahi” газетаси аудиторияни жалб этиш мақсадида ўз нашрларига кўплаб ўзгаришлар киритди. Биринчи бўлиб ҳажвий суратларни газета саҳифаларида беришни жорий этган ҳам “Asahi shinbun” дир. Жумладан, “Asahi” газетаси жаҳонда биринчи бўлиб, 20 дақиқа фарқ билан Токио ва Санноро шаҳарларида ўз сонини чиқаришга муяссар бўлди. Бу шаҳарлар орасида минг километрлик масофа ётади. Кейинчалик бир вақтнинг ўзида турли шаҳарларда нашр қилиш усули дунёнинг бошқа бурчакларида ҳам

тарқалди. Бундан ташқари “Asahi” газетаси биринчи бўлиб автоматик саҳифалаш учун Ordinateur номли жиҳозлаш техникасини қўллаган.

Айнан японияда биринчи бўлиб газеталарни уйма-уй тарқатиш тажрибаси муваффақиятли амалга оширилди.

Замонавий япон журналистикаси тараққиётида аудитория ҳам индикатор ҳам дитикатор вазфасини бажаради. Айнан шу сабабли сўнгги йилларда аудитория билан ишлашга япония оммавий ахборот воситалари катта эътиборни қаратмоқда. Жумладан; PR, интерактив воситалар, социологик тадқиқотлар орқали ривожлантириб келинмоқда.

“**The Japan Jimes**” газетаси энг йирик газеталардан бири бўлиб, асосан чет элликлар бу газетага алоҳида эътибор билан қарайдилар. Газета нафақат япония ҳақида, балки, халқаро ҳаётда рўй бераётган воқеа ҳодисалар хусусида ҳам тезкор ва холисона битилган материаллар тақдим этиши, етакчи ахборот ахборот агенликлари янгиликларидан самарали фойдаланиши “**The Japan Jimes**” нинг обрўси мунтазам равишда ошиб боришига имкон яратиб келмоқда. Унинг фаолиятида ижобий хусусиятлар кўплаб топилади. 1999-2000 йилларда ўтказилган тадқиқот ва сўровнома натижаларига қараганда ҳар 1000 кишининг 576 нафари мунтазам равишда газета ўқиши маълум бўлди. Шу нисбат бўйича Буюк Британия (1000:331) эгаллайди. Германияда ҳар минг кишидан 331, Францияда 218, Америкада 212 ва Россияда 105 нафар киши доимий тарзда газета ўқир экан.

Япония газеталар ададининг кўплиги бўйича ҳам бошқа давлатларга қараганда анча илгарилаб кетган. Газеталарнинг деярли барчаси кунига икки марта чиқарилади.

Бугунги кунда “**The Japan Jimes**” га обуначилари 9,5 милн дан ошиб кетди. Тиражи эса 10-12 млн, ташкил этади. Бу газета чет элликларга мўлжалланган энг йирик газета ҳисобланади. Шу боис японияда унга талаб жуда катта.

Япониянинг энг йирик мазкур беш миллий газеталарининг 1996 йилги ададларига эътиборни ҳаратадиган бўлсак, бу қуйидагича кўриниш олади:

(Бирлик: минг нусха ҳисобида)

Манба: Япония газета нашриётчилари ва Мухаррирлар ассоциацияси

Бу йирик газета таҳририятларининг барчаси ўз денгизорти бюроларига эга ва баъзилари ҳозирда кундалик денгизорти нашрларни чоп этишда фойдаланиладиган рақамли маълумотни узатиш учун сунъий йўлдошли коммуникацияларни қўлламоқдалар. Кўп ҳудудий шаҳар ва шаҳарчаларда маҳаллий янгиликларни тарқатиш учун ўз газеталарига эга .

Дастлаб, газеталар китоб дўконларида сотилган. Лекин 1903 йилдан “Хочи Шимбун” томонидан йўлга қўйилган тизим-уйга тарқатиш амалиёти тезда оммалашди. Бугунги кун 93% газеталар мамлакат бўйлаб 480 минг хизматчи ишлайдаган 23 минг тарқатиш агентлари томонидан тўғридан-тўғри уй ва идораларга етказиб берилади. Матбуот сотиш дўконлари савдоси 7% дан кўп эмас. Японияга хос яна бошқа бир тизим ҳам тарқатувчи агентлик ҳам обуна Қилиш билан шуғулланувчи ўзига хос тижорий

фаолиятларни танлаш ва биргаликда иш олиб бориш 1930 йилдан бери кенг тарқалиб келган ва ҳозир ҳам ўз таъсирига эга. Бу тизимлар Японияда газеталарнинг кўп адад билан чиқишини сақлаб турибди.

Японияда ҳафталик, икки ҳафталик, ойлик ва чораклик типдаги турли характерли журналлар нашр этилади. 1996 йилда 3,177 ойлик ва 80 та ҳафталик журнал чиқарилган. Чоп этилагн журналларнинг умумий миқдори 5,12 мллиардга етган. Журналларнинг кўпчилиги йирик газета (матбаа) ва китоб нашриётлар уйлари томонидан, баъзилари журналларга ихтисослашган, босмахоналар, яна бошқалари эса мустақил ташкилотлар ёки манфаатдор гуруҳлар томонидан чоп этилмоқда.

Ҳафталик журналлар даставвал газеталар нашриётлари томонидан чиқарилар эди, лекин 1956 йилдан бошлаб китоб босмахоналари ҳам “Weekly Shincho” (ҳафталик шинчо)га асос солиш билан бу соҳага кириб келишди.

Японияда инглиз тилида 4 та кундалик газеталар: Asahi Evening News, The Daily Yomiuri, The Japan Times ва Mainichi Daily News чоп этилади. Айрим хориж газеталари Японияда ҳам ўз нашрларини чиқаришади. Бошқалари денгизортидан ҳаво транспорти ороқали юборилади ва уларнинг (урбан) маказий темир йўл ва метро станциялари яқинида жойлашган меҳмонхоналар, китоб ва матбуот дўконларидан топиш мумкин.

Кўп нусхада тарқатиладиган ҳафталик журналлар кундалик газеталар мундарижасига муқобил ахборот етказди. Улар таркибан gamut (ҳамма нарсани) ўз ичига олади: сиёсий можаролардан тортиб ОАВ ходимлари ҳақидаги ғийбатлар ва шов-шувли жинойт ходисаларгача барча янгиликларни қамраб олади. “Guerrilla journalism” сифатида улар Конституцияда кафолатланган матбуот эркинлигини тез-тез талаб қилиб туришади.

“Бунгей Шинжу”, “Чуо Корон”, “Секай” каби умумий характердаги журналлар ва бошқа ойномалар 10 йилдан бери аҳолининг зиёли қатлами орасида алоҳида шуҳрат қозонди. “With and More” сингари нисбатан ёш аёл ўқувчилар учун мўлжалланган сўнгги фасон (мода) лардан бахс юритувчи журналлар ҳам кўп нусхада тарқатилади. Сўнгги йилларда журналлар хоббичилар ва бошқа ўз таркиблар (мавзу-мундарижалар)ини анчайин чегаралаб олдилар, чунончи коллекционерлар, спорт ишқибозлари ва шахсий компьютер фойдаланувчиларнинг интилиши ва мафаатлардан келиб чиқиб. Ўз хорижий ҳамкорлари билан алоқа ўрнатган журналлар ҳам янгича ҳудудларни забт этмоқдалар масалан, “News Week” (қарийб 1986 йилдан бери чоп этилади) журналининг Япон тилидаги наشري чоп этиб келинмоқда.

Ёшлар ва ўсмирлар орасида ҳажвий журналлар ниҳоятда оммалашган. Бунга қўшимча тарзида “Манга” яъни ҳажвий (карикатура) журналлар ҳам чоп этилади. Мамлакатда ҳажвий журналларнинг шунчалик катта бозори юзага келганки, унинг савдосининг умумий ҳажми барча матбаа ишларининг 30%дан ортиқини ташкил этади. Япон мангасига ихтисослашган журналистик асарларнинг катта миқдори чет тилларга ҳам таржима қилинмоқда ва кундан кунга бутун жаҳон бўйлаб тарқалмоқда.

Ҳар йили Японияда жуда кўп янги журналлар ўзларини ўтказишади, шунинг учун ҳам журналлар бозоридаги ўзаро рақобат бўлиб бормоқда ва баъзи журналлар охир-оқибат ўз-ўзини таъминлай олмай қолмоқда. Биргина 1989 йилнинг ўзида 56 та журналлар фаолияти тўхтатилгани қолда, 112 та янги журналлар нашр этила бошланган.

Радио ва телевидение: Японияда радио эшиттиришлар 1926 йилда, бироқ Иккинчи Жаҳон уруши охиригача қадар улар давлат томонидан бошқариладиган Nippon Hoso kyokai (NHK) Япония ахборот тарқатиш корпорацияси (томонидан монополлаштирилган эди) қўлида жамланган эди. 1950 йилдан бошлаб кучга кирган янги ахборот тарқатиш Қонуни NHKнинг давлат, на хусусий мулкка мансуб бўлмаган, махсус корпорация сифатида қайта шакллантирилишига замин ҳозирлади. Хусусий компаниялардан фарqli равишда NHK фаолияти ҳукумат томонидан тақиқланишларнинг субъектидир. Дастурларни режалаштириш ва бошқа ҳолатлар қарорлари Dietнинг тасдиқидан ўтган ва сўнгра бош вазир томонидан аъзолари кўрсатилган бошқарув органи-Менежмент Комиссияси томонидан қабул қилади. NHK радио ва ТВ сида тижорий рекламалар берилмайди. Тахминан 97% фаолият даромадлари ойлик обуна қакларидан келади.

NHK ТВси ўз тақдиротини 1950 йилнинг феврал ойида Токиода ўтказган. Ўша йилнинг августида Yomiuri Simbunнинг филиали бўлган биринчи тижорий ахборот узатиш маркази ўз ишини бошлади.

Япония оммавий ахборот воситалари деярли икки аср тараққиёт босқичини босиб ўтди. Бу давр оралиғида ҳар бир оммавий ахборот воситаси алоҳида ўзига хосликда ривожланганлигининг гувоҳи бўламиз. Бугунги кунга қадар замон технология, жамиятнинг ўзгариши, такомиллашиши нафақат япон иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ҳаётга балки ОАВга ҳам бир қанча янгиликлар олиб кирди. Аммо ҳар бир технологик янгилик япон миллий руҳиятида амалиётга тадбиқ этилишига катта эътибор қилинди. Япон журналистикаси тажрибаси асосида биз аудитория билан ишлаш мулоқот системасини йўлга қўйиш ҳамда интернет орқали ахборот узатишнинг ўзига хос миллий усулини амалиётга қўллаш ундан сабоқ олиш лозим.

Пайдаланылган адабиятлар

Ўзбекистан Республикасы Президенти И.А.Каримов шығармалары:

1. Каримов И. А. Биздан озод ва обод ватан қолсин. Т.: Ўзбекистон, 1994.
2. Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.: Ўзбекистон, 1997.
3. Каримов И. А. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т.: Ўзбекистон, 1997.
4. Каримов И. А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т.: Ўзбекистон, 1998.
5. Каримов И. А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т.: Ўзбекистон, 1999.
6. Каримов И. А. Ўзбекистонда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. “Тошкент оқшоми”, 2002 йил, 30 август.

Тийкаргы адабиятлар:

- Жабборов С. Оммавий ахборот воситалари қонунчилиги. Т.: 2000.
- Лазутина Г. В. Технология и методика журналистского творчества: Методические указания. М. : МГУ. 1988.
- Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т.: Ўзбекистон. 2001.
- Мўминов Ф. А. Журналистика ижтимоий институт сифатида. Т.: ТошДУ. 1998
- Мўминов Ф. А. Журналистика самарадорлиги. Т.: ТошДУ. 1996.
- Мўминова Ф. И. История мировой журналистики. Материалы к курсу. Т.: ТошДУ. 1994.
- Мўминова Ф. И. Современная зарубежная журналистика. Тексты лекций. Т.: ЎзМУ. 2001.
- Репортёрлик фаолиятининг назарияси ва амалиёти. Т.: ТошДУ. 2002
- Рэндалл Д. Универсальный журналист. Алмати. 1997.
- Федотова Я. Н. Массовая информация: стратегия, производства и тактика потребления. М. : МГУ. 1996 й.
- Фихтелиус Э. Радио ва телевидение журналистикаси асослари. Журналистиканинг 10 қоидаси. Т.: Шарқ, 2002.
- Худойкулов М. Оммавий ахборот воситалари назарияси. Т.: ТошДУ 1999.